

Шартнома № 1

25 Январ 2022 йил

"Ширмой нон" М Ч Ж (бундан буён "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Каримов М ҳамда иккинчи томондан Қизилтепа туман Тиббиёт бирлашмаси (бундан буён "Истеъмолчи" номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар в.в.б. Ф.Ф.Жумаев ушбу шартномани куйидагича туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмасига асосан белгиланган нон маҳсулотларини етказиб беради. "Истеъмолчи" эса ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2 Нон "Таъминотчи"нинг мулки ҳисобланади, у гаровга қўйилмаган ва учинчи шахснинг даъволаридан ҳолидир.

1.3 "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" учун:
(товарнинг номи, маркаси, артикули)

| Т/р | маҳсулот номи | улчов бирлиги | Хажми (микдори) | Нархи | Умумий суммаси |
|-----|---------------------|---------------|-----------------|-------|------------------|
| 1 | Бух нон 1 нав 500гр | дона | 2120 | 1500 | 3 180 000 |
| | жами | | | | 3 180 000 |

Сумма: 3 180 000 (Уч миллион бир юз саксон минг) сўм

(кейинги уринларда "Нон" деб юритилади) ва унга оид ҳужжатларни "Истеъмолчи"га мулк қилиб топширади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартнома шартлари асосида мазкур нонни қабул қилади ва ҳақини тўлайди.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

"Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

2.1 Нонни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида "Истеъмолчи"га топшириш.

2.2 Агарда шартнома шартларига мувофиқ деб топилса, нонни ташиб бериш харажатлари "Истеъмолчи"томонидан тўлаб берилади.

2.3 Нон 6 соат муддатда кўздан кечириш. Нон мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, "Истеъмолчи" шу муддатда "Таъминотчи"га аниқланган номувофиқликлар ҳақида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация)юборади.

2.4 Шартномада белгиланган нархларда нон ҳақини тўлайди.

3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1 Мазкур шартнома суммаси Уч миллион бир юз саксон минг сўм ташкил этиб маҳсулотни ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30 % маблағни тўлаш ва маҳсулотини қабул қилинган пайтдан бошлаб 10 кун ичида қолган қисмини тўлаш йўли билан амалга оширилади.

3.3. "Таъминотчи"нинг айби билан "Истеъмолчи" нон маҳсулотини кўздан кечириш имкониятига эга бўлган тақдирда у маҳсулотни ҳақини тўлашни кечиктиришга ҳақли.

4. НОН МАҲСУЛОТИНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товар сотув жойидан топширилади.

4.2. Нон маҳсулотини тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб "Истеъмолчи"га ўтади.

4.3. Нон маҳсулоти топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар "Таъминотчи" сифатига